




O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2022 ЙИЛ АПРЕЛЬ

ТОШКЕНТ – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**Илмий нашр
2022 йил апрель ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги ОАК Раёсатининг
2019 йил 28 марта 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилемайди,
журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан
бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида
қабул қилинади.

Тахрир кенгаши

А.Кўчимов
Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдулаев
С.С.Ғуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Н.М.Маҳмудов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов

Б.А.Назаров
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
Т.Қудратхўжа
Н.А.Ҳусанов
Г.А.Мардонова

**Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ МАСОФАДАН КЎРСАТИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Зокир Тоштемирович МАМАДИЯРОВ

иқтисодиёт фанлари бўйича (PhD)

фалсафа доктори

Доцент

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

z.mamadiyarov@tsue.uz

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимларининг вужудга келиши, амалдаги ҳолати таҳлили, ривожланиш тенденцияси банклар кесимида таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: банкомат, инфокиоск, пластик карточка, тўлов терминали, интернет-банкинг, смартофис, мобил-банкинг.

АНАЛИЗ ПРАКТИКИ ДИСТАНЦИОННОГО БАНКОВСКОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В ПРОЦЕССЕ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Зокир Тоштемирович МАМАДИЯРОВ

доктор философии (PhD) по экономическим наукам

доцент

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистон

z.mamadiyarov@tsue.uz

Аннотация

В данной статье анализируется появление дистанционного банковского обслуживания в Узбекистане, текущая ситуация, тенденции развития банковской сферы. Результаты данного исследования включают в себя изучение современного состояния дистанционного банковского обслуживания, формирование выводов по результатам и разработку научных предложений.

Ключевые слова: банкомат, инфокиоск, пластиковая карта, платежный терминал, интернет-банкинг, смарт-офис, мобильный банкинг.

Банк соҳасида раҷамли трансформациянинг кўплаб жиҳатлари мавжуд бўлса-да, энг муҳимларидан бири бу ўзгаришларга тайёрлик ва мослашиш қобилиятидир. Банкларни кўпинча банк хавфсизлиги, қонунчилиги ва мижозлари маълумотлари ва маҳфийлигини химоя қилишга мўлжалланган қаттий чекловлар асосида тартибга солиб туриш талаб этилади. Бугунги кунда

банкларни рақамлаштириш ва банк хизматларининг янги рақамли банк ечимлари ва мобил иловаларининг аҳамияти ошиб бориши натижасида банклар мижозларни жалб қилиш бўйича анъанавий банк ишини ортда қолдирмоқда. Ўзгарувчан истеъмолчилар талабини қондириш, янги технологияларга тезда мослашиш ва бозор ўзгаришига жавоб бериш учун сиёсатни мослаштириш банкдаги рақамли трансформация учун муҳим аҳамиятга эга.

Тижорат банклари фаолиятини халқаро андозаларга мос келадиган даражага кўтариш учун банкнинг корпоратив бошқаруви ва риск-менежмент тизимини янада яхшилаш, банк хизматлари оммаболигини ошириш ва рақамлаштириш умуман айтганда банкларни институционал трансформация қилишни талаб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш, банкларни трансформация қилиш, замонавий банк амалиёти, менежменти ва янги хизматларни жорий этиш алоҳида қайд этиб ўтилди [1].

Рақамли банкинг соҳасида ўтказилган кўплаб тадқиқотлар, асосан, рақамли банк каналларига мижозларнинг муносабати ва рақамли банк каналларидан фойдаланишда мижозлар учун муҳим бўлган ўзгарувчилар ёки мижозларнинг замонавий банк каналларидан фойдаланиш хоҳишига таъсир қилувчи омиллар ўрганиб чиқилган [4]. Аммо ажабланарлиси шундаки, Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотларда камдан-кам ҳолларда мижозларни замонавий банк каналларини ўзлаштиришга ундаш учун филиал ичидаги банк ташаббусларининг таъсирини ўрганишга эътибор қаратилган.

Энг муҳими шундаки, Ўзбекистонда муаммо нафақат мижозларни анъанавий банк каналларидан рақамли каналларга кўчириш, балки аҳолини рақамли молиялаштириш масалалари ҳам бугунги кунда банк тизимининг асосий режаларидан биридир. Ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакатнинг ривожланган мамлакатлардан ажралиб турадиган фарқларидан бири, бу рақамли банк каналларини истеъмолчи томонидан қабул қилиш ва улардан фойдаланишдир. Яъни аҳолининг молиявий саводхонлиги ҳам етарли даражада бўлади, хусусан, юқори даромадли мамлакатларда вояга етган аҳолининг 91 фоизи рақамли тўлов усулидан фойдаланади, ривожланаётган мамлакатларда эса вояга етган аҳолининг атиги 44 фоизи рақамли тўлов усуллари орқали амалга оширадилар [5].

Гарчи банк хизматларини масофадан кўрсатиш тизимларининг фойдали жиҳатларидан (фойдаланишдаги қулай бўлиши ва фойдали эканлиги) ташқари, бу янги технологик хизматларда маълумотлар, мижозларнинг шахсий маълумотлари ва транзакциялари билан боғлиқ бўлган айрим хавфларни келтириб чиқаради [6]. Шунинг учун, хавфсизлик ва рискни англаш электрон тўлов тизимида асосий жиҳат саналади [7]. Бундай технологияларнинг муваффақиятли бўлиши ва янги тўлов тизими платформаларини қабул қилишда хавфсизликни назорат қилиб боришимиз

лозим [8].

Бизнингча, банк хизматларини масофадан кўрсатиш бу банкларнинг мижозларига тақдим этаётган хизматларини банқда мижозлари билан юзмажуз эмас балки, масофадан замонавий банк технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши тушунилади. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, банк тизимида масофавий банк хизматларининг ривожланиши биринчидан, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар, янги ахборот технологияларининг жорий этилиши, иккинчидан банк операцияларининг автоматлаштирилганлиги билан боғлиқ [2].

Ўзбекистонда рақамли трансформация жараёнида банк хизматларини масофадан кўрсатиш тизимларининг эволюцион ривожланиши, амалдаги ҳолати таҳлили статистик маълумотлар ва жадвал асосида тадқиқ қилинди. Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида маълумотларни жадваллар асосида қиёслаш, маълумотларни гурухлаш, статистик гурухлаш ҳамда эксперт баҳолаш усусларидан ҳам унумли фойдаланилди.

Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори ҳалқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган ишлар барча банклар томонидан тизимли равишда амалга оширилиши, молия-банк тизимининг барча жабҳаларини рақамлаштириш, электрон тўловлар ва электрон тижорат бўйича ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш банк мижозларига сифатли хизматлар кўрсатишини таъминлаш билан бирга Ўзбекистон банк тизимининг муқаррар юксалишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Натижада, Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш тезлашади, инсон омили камаяди, хизматлар сифати яхшиланади, банк харажатлари дастлаб ортади кейинчалик кескин камайишига хизмат қиласи ва мижозлар учун замонавий банк хизматлари таклиф этилади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда «Банк-мижоз» дастури ва интернет-банкинг хизмати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июнданги «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида вужудга келди. Даставвал, интернет-банкинг хизмати 2007 йилда корпоратив мижозлар учун юзага келди. Ушбу ривожлантиришнинг кейинги босқичи эса жисмоний шахсларни қамраб олди [9]. 2008 йилдан эса «Банк-мижоз» дастури ҳам тижорат банклари фаолиятида қўлланила бошлади.

Ўзбекистон банк тизимида интернет-банкингни биринчилардан бўлиб 2007 йил 1 марта АИТБ «Ипак йўли» банк томонидан амалиётга жорий этилди. Яъни, «Ipak yo‘li online» тизимига кириш орқали мижозлар ўзларига тегишли бўлган депозит ҳисобларида бир неча турдаги банк операцияларини амалга ошириш имконига эга бўлишди. Даствал бу хизматдан фақат юридик шахс мақомидаги мижозлар фойдаланган бўлса, кейинчалик, бу хизматлар жисмоний шахслар учун ҳам жорий қилинди.

Иккинчи бўлиб, интернет-банкинг хизматини мижозларига таклиф этган банк сифатида «Invest Finance Bank» АТБ молия бозорида ўзининг фаоллигини кўрсата бошлади. Бу албатта, ушбу банкинг мижозларига бир қанча қулайликлар яратди.

Учинчи бўлиб эса «Трастбанк» ХАБ ушбу хизмат туридан фойдаланишни йўлга қўйди ва Ўзбекистонда илк бора интернет-банкинг хизматидан фойдаланишни оммалаштириш мақсадида банк мижозларига тақдимотлар ўтказган ва мижозларининг саволларига онлайн жавоб олиш каби интерактив хизматни йўлга қўйган ягона банк сифатида намоён бўлди.

Ўзбекистон банк тизимида жисмоний шахсларга Интернет-банкинг хизматини дастлаб собиқ «Самарқанд» АТБ таклиф этган. 2009 йилнинг май ойида ушбу банк sam.online деб номланган интернетдаги янги хизмат турини тақдим этди. Унинг мижозлари масофадан туриб турли тўловларни, маблағларни ўтказиши, банкка молиявий ҳужжатлар жўнатиш ва ҳисоб рақамларидағи маблағлари тўғрисидаги маълумотларни олишлари мумкин бўлди. Хусусан, собық «Самарқанд» АТБ биринчилардан бўлиб мобил-банкинг хизматини ҳам ўз мижозларига тақдим қиласкан эди. Унга кўра, банк мижозлари мобиль телефонларидан фойдаланган ҳолда уяли алоқа ва интернет провайдерлар хизматларига пул тўлашлари мумкин бўлди [10].

Жисмоний шахслар учун Интернет-банкинг хизматини иккинчи бўлиб «Алоқабанк» АТБ мижозларига тақдим қиласкан. Кейинчалик бирин-кетин Ўзбекистон Республикасининг бошқа тижорат банкларида ҳам жисмоний шахслар учун банк хизматларини масофадан қўрсатиш тизимлари (интернет-банкинг, мобил-банкинг ва СМС банкинг) жорий этила бошлади ва ривожланиб борди.

«Агробанк» АТБ ва АТ Халқ банки 2018 йилдан 2022 йил 1 январь ҳолатига қадар банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони бўйича етакчилик қилмоқда ва мос равища 1 ва 2 – ўринларни эгаллаб келмоқда. АТ «Саноат қурилиш банки» ва «Ипотека-банк» АТИБ банклари бу борада сўнгги беш йилликда кескин ривожланди (2022 йил 1-январда 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 32,4 ва 25,7 баробарга ошганини кўришимиз мумкин) ва эгаллаб турган ўринларини мос равища 5 ва 6 пағонага яхшилаб, мос равища 3 ва 4-ўринларни эгаллади. Куйидаги 1 жадвал <http://cbu.uz/uzc/statistics/paysistem> сайти [11] маълумотлари асосида тузилди.

1-жадвал

Ўзбекистонда банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони (1-январь ҳолатига, донада)

№	Банк номи	Ўрни (2022 й. 2018 й.га нисбатан)	Ўзга- риши(баробар)	2022	2021	2020	2019	2018
1.	«Агробанк» АТБ	➡ 0	2,3	2993635	2355155	1343740	1814016	1305140

2.	АТ Халқ банки	➡ 0	3,4	2868963	2148750	022259	2641778	833881
3.	АТ «Саноат қурилиш банки»	↑ 5	32,4	2611236	1667420	777366	108263	80568
4.	«Ипотека-банк» АТИБ	↑ 6	25,7	1816496	1300787	870055	110985	70762
5.	ТИФ Миллий банки	⬇ -2	2,1	1324849	1191694	1657243	891712	638612
6.	ЧЕКИ «Namkorbank» АТБ	➡ 0	9,4	1212689	918703	716852	289755	128652
7.	«Ипак Йўли» АИТБ	➡ 0	8,8	988393	570568	314381	135708	111709
8.	«Асака» АТБ	⬇ -4	1,7	902397	739200	561568	626322	535732
9.	«Микрокредитбанк» АТБ	↑ 3	11,9	749296	682778	639018	182085	63209
10.	«ANOR BANK» АЖ	↑ 22	-	577024	0	0	0	0
11.	АТ «Алоқабанк»	⬇ -6	3,2	483142	375174	244809	251017	152169
12.	АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»	⬇ -3	4,6	361229	283360	243333	194784	78450
13.	«Invest Finance Bank» АТБ	↑ 1	8,5	354609	285243	212520	40379	41547
14.	«Ориент Финанс» ХАТБ	↑ 1	19,5	340546	230577	150207	41815	17423
15.	TBC bank	↑ 15	99,2	313474	3159	0	0	0
16.	«Капиталбанк» АТБ	⬇ -3	6,4	301216	200404	128297	106849	47337
17.	«Asia Alliance Bank» АТБ	➡ 0	21,7	237334	174339	109447	12542	10956
18.	«Туронбанк» АТБ	➡ 0	24,5	236849	194298	148771	6884	9657
19.	«Трастбанк» ХАБ	⬇ -8	2,5	161438	115976	81795	92981	64035
20.	«Универсал банк» АТБ	➡ 0	14,7	95065	73303	36369	6897	6475
21.	«Давр-Банк» ХАТБ	⬇ -2	12,9	89480	60492	49817	9116	6942
22.	ЧЕКИ «Савдогар» АТБ	⬇ -1	18,5	79169	67635	67803	5105	4281
23.	«Равнақбанк» ХАТБ	↑ 1	79,1	44610	21923	8801	651	564
24.	«КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ	⬇ -8	2,4	35384	28724	31664	17259	15055
25.	«ZIRAAT BANK» АЖ	➡ 0	96,0	31984	17594	13218	3866	333
26.	«Hi-Tech Bank» ХАТБ	➡ 0	185,1	22211	21012	20261	5632	120
27.	«Туркистон» ХАТБ	⬇ -5	13,7	15453	10047	7570	1347	1128
28.	Tenge bank	↑ 2	57,6	7202	1830	125	0	0
29.	Пойтахт банк АЖ	↑ 1	2,7	4762	3736	1796	0	0

30 .	«Мадад Инвест Банк» АТБ	-7	4,1	2485	2209	2235	805	612
31 .	Эрон «Содерот» банки	-4	141,8	1702	1261	741	367	12
32 .	«Ўзагроэкспортбанк» АТБ	-4	3,1	1288	1225	389	417	0
Жами			4,6	19264322	13747351	19462450	7599337	4225361

Бу борада «ANOR BANK» АЖ ва ТВС bank ларни алоҳида эътироф этиш лозим. «ANOR BANK» АЖ бир йилдаёқ 32 та тижорат банк орасида банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони бўйича 10-ўринни ва 577024 та мижозга эга эканлигини айтиб ўтиш мумкин. ТВС bank эса 2 йилда банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи мижозлари сони 313.474 тага етказди ва 2022 йил 1 январь ҳолатига рейтингда 15-ўринни эгаллади. Бу банкларнинг вертуал банк эканлиги, барча хизматлари рақамли ва масофадан амалга оширишга ихтисослашгани сабабли қайд этган натижаларини шу билан изоҳлаш мумкин.

2022 йил 1 январь ҳолатига 6 та йирик «Агробанк» АТБ, АТ «Саноат қурилиш банки», «Ипотека-банк» АТИБ, ТИФ Миллий банки ва ЧЕКИ «Hamkorbank» АТБ банкларининг банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони жами банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи жисмоний шахслар сонига нисбатан 66,6 %ини (12 827 868 тани) ташкил этган.

Tenge bank, Пойтахт банк АЖ, «Мадад Инвест Банк» АТБ, Эрон «Содерот» банки ва АТБ «Ўзагроэкспортбанк» банклар банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони бўйича сўнгги ўринларни эгаллаган. Бу бешта банкнинг банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 17.439 тани, жами банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи жисмоний шахслар сонига нисбатан 0,1% ни ташкил этган.

Ўзбекистон банк тизимишининг ривожланишида албатта электрон тўлов тизимишининг ривожланиши муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан аҳолига «Банк-мижоз» дастури, мобил-банкинг, интернет-банкинг, СМС банкинг ва ташқи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи қурилмалардан яъни, банкомат, инфокиоск ва терминаллар каби масофадан бошқарилувчи хизмат турлари кўрсатиб келинмоқда. Ушбу хизмат турларидан фойдаланувчилар сони ҳам йилдан-йилга ортмоқда. Қуйидаги 2-жадвал <http://cbu.uz/uzc/platyezhnye-sistemy/56618/> сайти [12] маълумотлари

асосида тузилди.

2-жадвал

Ўзбекистонда банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи юридик шахслар сони (1-январь ҳолатига, донада)

№	Банк номи	Ўрни (2022 й. 2018 й.га нисбатан)	Ўзга- риши(бар обар)	2022	2021	2020	2019	2018
1.	«Агробанк» АТБ	➡ 0	4,2	171027	110104	96250	78981	41190
2.	«Ипотека-банк» АТИБ	⬆ 3	8,9	132546	117298	98400	28786	14926
3.	ЧЕКИ «Hamkorbank» АТБ	⬇ -1	2,4	95307	81270	69714	56115	39950
4.	ТИФ Миллий банки	⬇ -2	5,4	76013	61633	52969	19565	14080
5.	«Микрокредитбанк» АТБ	⬆ 4	10,8	57487	54221	48152	10847	5310
6.	АТ Халқ банки	⬇ -2	2,7	57324	95347	91332	28942	20965
7.	АТ «Саноат қурилиш банки»	⬇ -4	1,3	48318	39891	31464	65491	36983
8.	«Ипак Йўли» АИТБ	➡ 0	6,4	37935	24789	18783	6157	5951
9.	«Капиталбанк» АТБ	⬇ -2	5,9	36099	25872	21519	6957	6115
10.	«Трастбанк» ХАБ	⬆ 7	8,7	32987	25625	19871	5197	3785
11.	«Асака» АТБ	⬆ 4	9,5	32277	28786	19546	7959	3404
12.	«Туронбанк» АТБ	⬇ -2	5,6	28455	21928	15783	6242	5108
13.	АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»	⬆ 5	8,3	24670	20874	18499	3600	2980
14.	«Давр-Банк» ХАТБ	⬇ -2	5,0	24261	19661	17772	5452	4832
15.	«Invest Finance Bank» АТБ	⬇ -2	6,2	23781	20177	16601	5939	3838
16.	«Ориент Финанс» ХАТБ	⬆ 3	9,1	23777	17145	9492	3933	2610
17.	АТ «Алоқабанк»	⬇ -6	4,6	22672	16687	14739	5882	4944
18.	«Asia Alliance Bank» АТБ	⬇ -2	4,3	14142	11991	9551	4108	3271
19.	ЧЕКИ «Савдогар» АТБ	⬇ -2	2,8	8599	12331	8380	2 216	3060
20.	«Универсал банк» АТБ	➡ 0	4,6	7940	5613	3371	2 407	1739
21.	«ANOR BANK» АЖ	⬆ 11	-	4956	0	0	0	0
22.	«Туркистон» ХАТБ	⬆ 10	4,2	3769	3467	2805	1135	892
23.	«ZIRAAT BANK» АЖ	⬇ -2	9,1	2402	1674	1174	473	265
24.	«Равнакбанк» ХАТБ	⬆ 1	2,7	2241	1938	1675	931	815
25.	«Hi-Tech Bank» ХАТБ	⬇ -3	4,5	1622	1547	1337	529	359
26.	«Мадад Инвест Банк» АТБ	⬇ -2	9,0	884	724	427	179	98
27.	«КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ	⬇ -1	2,2	876	741	600	1631	398

28	Пойтахт банк АЖ	-5	1,6	801	693	511	0	0
29	Tenge bank	-1	11,5	645	221	56	0	0
30	Эрон «Содерот» банки	2	19,8	218	160	128	47	11
31	«Ўзагроэкспортбанк» АТБ	-4	1,6	110	110	107	69	0
32	TBC bank	0	-	0	0	0	0	0
Жами			4,3	974141	822518	691008	359770	227879

2-жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистонда банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи юридик шахслар сони 2018 йил 1 январь ҳолатига 227.879 тани ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига эса 974.141 тани ташкил этган. Ушбу давр оралиғида банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи юридик шахслар сони 4,3 баробарга ошган. «Ипотека-банк» АТИБ (8,9 баробар), «Микрокредитбанк» АТБ (10,8 баробар), «Трастбанк» ХАБ (8,7 баробар), «Асака» АТБ (9,5 баробар), АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» (8,3 баробар), «Ориент Финанс» ХАТБ (9,1 баробар), «Мадад Инвест Банк» АТБ (9 баробар), Tenge bank (11,5 баробар) ва Эрон «Содерот» банкларида (19,8 баробар) банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи юридик шахслар сони ўртача ўсиш даражаси 4,3 баробарга нисбатан кескин ортган.

Шунга қарамасдан «Агробанк» АТБ, «Ипотека-банк» АТИБ ва ЧЕКИ «Hamkorbank» АТБ банклари банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи юридик шахслар сони бўйича етакчи учликни ташкил этган. Ушбу 3 та банкнинг банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи юридик шахслар сони жами банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи юридик шахслар сонининг 41 фоизини ташкил этади.

«ANOR BANK» АЖ бир йилдаёқ банк хизматларини масофадан кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчи юридик шахс мижозлари 4956 тани ташкил этган ва рейтингда 21-ўринни эгаллаган.

Кўриб турганимиздек, Ўзбекистон банк тизимида тўлов терминаллари сони йилдан-йилга кескин ўсиш тенденциясига эга бўлган. Тўлов терминаллари 2018 йил 1 январь ҳолатига 235.712 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг шу даврида 438.410 тани ташкил этган. Лекин 2022 йилнинг шу даврига келиб камайиш тенденциясига эга бўлган яъни 5026 тага камайиб 433.384 тани ташкил этган. 2021 йилда кўплаб Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат касса машиналари берилгандиги, бу назорат касса машиналари терминал вазифасини ҳам бажариши сабабли кўплаб Uzcard терминаллар ортиқчага айланди ва банкларга қайтариб берилди.

Сўнгги беш йилликда АТ Халқ банкининг 21.667 та, АТ «Саноат

қурилиш банки»нинг 19.253 та, ТИФ Миллий банкининг 16.139 та ва «Ипотека-банк» АТИБнинг терминаллари 15.634 тага ортган.

Тўлов терминаллари сони бўйича 2022 йил 1 январь ҳолатига рейтингнинг етакчи бешлигини АТ Халқ банки 51.771 тани, «Агробанк» АТБ 43.402 тани, «Ипотека-банк» АТИБ 42.213 тани, ТИФ Миллий банки 39.695 тани ва АТ «Саноат қурилиш банки» 33.296 тани, умумий ҳисобда 210.377 та тўлов терминалларини ташкил этган. Бу жами банк терминалларнинг 48,5 фоизини ташкил этади. Тўлов терминаллари сони бўйича қуи 3 ўринни эгаллаган банклар «Ўзагроэкспортбанк» АТБ 74 та, Эрон «Содерот» банки 30 та ва ТВС bank 28 та ташкил этганини қайд этиб ўтиш лозим (3-жадвал). Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

3-жадвал
Ўзбекистонда тўлов терминаллари сони (1-январь ҳолатига, донада)

№	Банк номи	Ўрни (2022 й. 2018 й.га нисбатан)	Ўзгариш(2022 й. 2018 й.га нисбатан)	Ўзгариш(2022 й. 2021 й.га нисбатан)	2022	2021	2020	2019	2018
1.	АТ Халқ банки	↑1	21667	-5176	51771	56947	46280	30521	30104
2.	«Агробанк» АТБ	↓-1	12262	-2732	43402	46134	44738	31650	31140
3.	«Ипотека-банк» АТИБ	↗0	15634	-1502	42213	43715	44462	27715	26579
4.	ТИФ Миллий банки	↗0	16139	1838	39695	37857	36118	24136	23556
5.	АТ «Саноат қурилиш банки»	↑2	19253	-1920	33296	35216	28701	14617	14043
6.	ЧЕКИ «Hamkorbank»	↓-1	13666	-698	31815	32513	29653	18815	18149
7.	«Ипак Йўли» АИТБ	↑3	14353	701	23930	23229	18553	10882	9577
8.	«Микрокредитбанк» АТБ	↓-2	8846	326	23541	23215	19220	14802	14695
9.	АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»	↓-1	5679	-1851	17271	19122	20281	11675	11592
10.	«Асака» АТБ	↓-1	4352	-1560	15561	17121	17274	10768	11209
11.	«Туронбанк» АТБ	↑2	9061	513	14682	14169	7679	5947	5621
12.	«Капиталбанк» АТБ	↑3	8142	992	12928	11936	9672	5302	4786
13.	АТ «Алоқабанк»	↓-1	6101	929	12059	11130	9822	6293	5958
14.	«Трастбанк» ХАБ	↗0	7135	53	11981	11928	11096	5685	4846
15.	«Invest Finance Bank»	↑1	7450	504	11507	11003	9521	4524	4057
16.	ЧЕКИ «Савдогар» АТБ	↓-5	2998	-1682	10145	11827	11014	7154	7147
17.	«Ориент Финанс»	↑2	7576	1681	9978	8297	6710	3062	2402
18.	«Asia Alliance Bank»	↗0	4278	-222	7505	7727	7490	3671	3227
19.	«Давр-Банк» ХАТБ	↓-2	3779	569	7372	6803	7044	3652	3593
20.	«Универсал банк» АТБ	↗0	4399	2941	5886	2945	2084	1537	1487
21.	«Туркистон» ХАТБ	↗0	1128	-262	2163	2425	2388	1187	1035
22.	«Равнақбанк» ХАТБ	↑1	630	144	866	722	679	332	236
23.	Tenge bank	↑9	781	640	781	141	0	0	0
24.	«ZIRATA BANK» АЖ	↑2	535	114	649	535	390	148	114
25.	«КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ	↓-1	366	-4	541	545	286	243	175
26.	«ANOR BANK» АЖ	↑6	503	503	503	0	0	0	0
27.	«Hi-Tech Bank» ХАТБ	↓-5	196	-29	446	475	599	358	250
28.	Пойтахт банк АЖ	↑2	432	143	432	289	185	0	0
29.	«Мадад Инвест Банк»	↓-4	211	7	333	326	330	198	122
30.	«Ўзагроэкспортбанк»	↑2	74	-7	74	81	68	20	0

31.	Эрон «Содерот» банки	-4	18	1	30	29	24	19	12
32.	TBC bank	0	28	20	28	8	0	0	0
	Жами		197672	-5026	433384	438410	392361	244913	235712

2011 йил 1 январь ҳолатига банк пластик карточкалари сони 7 млн. 909 мингтани ташкил этган бўлса, 2018 йил 1 январь ҳолатида 19 млн. 226 мингтани ташкил этди. 2018 йил 1 январдан «Дуэт» карточкалари орқали пул ўтказмалари тўхтатилганлиги сабабли, 2019 йил 1 январь ҳолатига банк пластик карточкалари сони 17 млн. 686 мингтагача камайган. 2022 йил 1 январь ҳолатига 27 млн. 106 мингтага етган. Умуман олганда банк пластик карточкалари сони 2022 йил 1 январь ҳолатида 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 марта, тўлов терминаллари сони 5,1 марта, инфокиоск ва банкоматлар сони 26,4 марта, масофадан хизмат қўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони 824,5 марта, хусусан, масофадан хизмат қўрсатиш тизимларидан фойдаланувчи юридик шахслар сони 68,4 марта ва масофадан хизмат қўрсатиш тизимларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 1869,6 марта ошган. Қўйидаги жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

4-жадвал

Ўзбекистонда масофадан хизмат қўрсатиш тизимларининг ривожланиш параметрлари (1-январь ҳолатига, донада)

№	Турлари	2011 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022/2011 йилларда ўзгариши (мартада)
1.	Чиқарилган банк карточкалари сони (минг донада)	7909	19226	17686	20547	25776	27106	3,4
2.	Тўлов терминаллари сони	85741	235712	244913	392361	438410	433384	5,1
3.	Инфокиоск ва банкоматлар сони	491	5632	6859	9203	11800	12940	26,4
4.	Мижозлар сони	1159890	1755492	1880634	2094262	2454634	2747460	2,4
5.	Депозит ҳисобвараклар сони	3926356	6469921	7263621	7740964	9409597	10633349	2,7
6.	<i>Масофадан хизмат қўрсатилиши тизимларидан фойдаланувчилар сони</i>							
	Сони (донада)	24545	4453240	7959107	10153458	14571094	20238463	824,5
6.1.	<i>Юридик шахслар ва ЯТТлар</i>							
	Сони (донада)	14241	227879	359770	690958	822494	974141	68,4
	Мижозлар сонига нисбатан улуши, фоизда	1,2	13,0	19,1	33,0	33,5	35,5	
6.2.	<i>Жисмоний шахслар</i>							
	Сони (донада)	10304	4225361	7599337	9462500	13748600	19264322	1869,6
	Жамига нисбатан улуши, фоизда	42,0	94,9	95,5	93,2	94,4	95,2	

Ўзбекистонда онлайн «uzcard» карточкаларига хизмат кўрсатадиган инфокиоск ва банкоматлар сони 2011 йил 1 январь ҳолатига атига 491 тани ташкил этган бўлса, 2017 йил 1 январь ҳолатига 4954 тани, 2019 йилга келиб 6859 тани ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3945-сонли қарори қабул қилинди ва унга кўра Миллий банклараро процессинг маркази 2018 йилнинг IV-чорагида ташкил этилди ва «Нито» тўлов тизими 2019 йилнинг I-чорагидан бошлаб ишга туширилди. Шунга кўра 2021 йил 1 январь ҳолатига «Smart-Vista» online, «Нито» ҳамда хорижий валюта карточкаларга хизмат кўрсатадиган инфокиоск ва банкоматларнинг сони 11.800 тага, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 12.940 тага етган ва 2022 йил 1 январь ҳолатида 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 26,4 баробарга ортганини кўриш мумкин (Қаранг: 4-жадвал).

Банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган мижозлар сони 2011 йил 1 январь ҳолатига 1.159.890 тани ташкил этган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига эса 2.094.262 тага, 2021 йил 1 январь ҳолатига эса 2.454.634 тага ва 2022 йил 1 январь ҳолатига эса 2.747.460 тага етган. Яъни ушбу даврда омонатчилар сони 2,4 баробарга ошган. Банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган мижозлар ҳисоб ва рақлари сони эса 2011 йил 1 январь ҳолатига 3.926.356 тани ташкил этган ва ҳар бир мижозга 3,4 тадан ҳисобварак тўғри келган, 2020 йил 1 январь ҳолатига эса ҳисобвараклари сони 7.263.621 тани, 2022 йил 1 январига келиб эса ҳисобвараклари сони 10.633.349 тага етган ва ҳар бир мижозга 3,9 тадан ҳисобварак тўғри келган. Ушбу даврда банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган мижозлар ҳисобвараклари сони эса шу даврлар оралиғида 2,7 мартаға кўпайган.

Масофавий банк хизматларини кўрсатишда банкомат ва инфокиоскларнинг аҳамияти беқиёс. Яъни фойдаланиш содда бўлган ушбу ускуналар бугунги кунда мижоз ва кассир ўртасидаги анъанавий муомалага чек қўйиб, ўзига хос мини-банк офиси вазифасини ўтамоқда. Ҳозирги пайтда банкоматлардан нафақат нақд пул ечиб олиш, хорижий валютани алмаштириш, банк пластик карталарига маблағ қўйиш, балки улар орқали товар ва хизматлар бўйича турли тўловларни амалга ошириш мумкин. Қуйидаги жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

5-жадвал
Ўзбекистонда инфокиоск ва банкоматлар сони (1-январь ҳолатига, донада)

№	Банк номи	Ўрни (2022 й. 2018 й.га нисбатан)	Ўзгариши(2022 й. 2018 й.га нисбатан)	Улуси (%), 2022 й. жамига нисбатан)	2022	2021	2020	2019	2018
					2022	2021	2020	2019	2018
1.	«Капиталбанк» АТБ	➡0	679	25,3	3273	3104	2669	2650	2594
2.	«Агробанк» АТБ	⬆3	1656	14,7	1904	1865	1025	617	248
3.	АТ Халқ банки	⬆10	1266	10,6	1370	1089	578	108	104
4.	ЧЕКИ «Hamkorbank» АТБ	⬇-2	234	6,1	784	828	797	605	550
5.	«Ипотека-банк» АТИБ	⬆6	519	4,9	637	589	450	181	118

6.	ТИФ Миллий банки	⬇ -3	175	4,9	633	600	503	439	458
7.	«Ипак Йўли» АИТБ	⬆ 7	434	4,1	528	362	337	243	94
8.	«Туронбанк» АТБ	⬇ -1	341	3,7	479	421	332	276	138
9.	АТ «Саноат қурилиш банки»	⬇ -1	338	3,6	470	423	340	146	132
10.	«Invest Finance Bank» АТБ	⬇ -3	-29	3,3	426	341	425	521	455
11.	«Ориент Финанс» ХАТБ	⬆ 7	260	2,1	277	233	183	67	17
12.	«Asia Alliance Bank» АТБ	⬆ 4	227	2,1	268	264	231	136	41
13.	АТ «Алоқабанк»	⬇ -3	148	2,1	267	243	210	126	119
14.	«Трастбанк» ХАБ	⬇ -2	148	2,0	265	154	131	131	117
15.	«Асака» АТБ	⬇ -5	134	2,0	259	254	232	167	125
16.	АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»	⬇ -10	58	1,9	248	378	350	238	190
17.	«Микрокредитбанк» АТБ	➡ 0	201	1,8	234	220	89	34	33
18.	ЧЕКИ «Савдогар» АТБ	⬇ -3	147	1,7	221	157	128	95	74
19.	«Универсал банк» АТБ	⬆ 2	149	1,2	152	85	71	23	3
20.	«Равнақбанк» ХАТБ	⬇ -1	39	0,4	52	42	20	14	13
21.	«Давр-Банк» ХАТБ	⬆ 3	45	0,3	45	45	21	21	0
22.	Пойтахт банк АЖ	⬆ 3	39	0,3	39	39	37	0	0
23.	«Туркистан» ХАТБ	⬇ -3	31	0,3	35	21	9	9	4
24.	Tenge bank	⬆ 8	31	0,2	31	3	1	0	0
25.	«Мадад Инвест Банк» АТБ	⬆ 7	11	0,1	11	9	5	1	0
26.	«КДБ Банк Ўзбекистон»	⬇ -4	6	0,1	9	9	8	8	3
27.	«Hi-Tech Bank» ХАТБ	⬇ -4	7	0,1	9	9	9	2	2
28.	«Ўзагроэкспортбанк» АТБ	⬆ 4	7	0,1	7	7	7	1	0
29.	«ZIRAAT BANK» АЖ	⬆ 3	6	0,0	6	6	5	0	0
30.	Эрон «Содерот» банки	⬆ 2	1	0,0	1	0	0	0	0
31.	TBC bank	➡ 0	0	0,0	0	0	0	0	0
32.	«ANOR BANK» АЖ	➡ 0	0	0,0	0	0	0	0	0
Жами			7308	100%	12940	11800	9203	6859	5632

Хозирги кунда тижорат банклари аҳолига қулайлик яратиш ва замонавий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида 24/7 режимида, кечаю кундуз узлуксиз хизмат кўрсатадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш смартофисларини ташкил қилиб, фойдаланишга топшириб келмоқда. 24/7 режимида ишлайдиган мазкур смартофисларнинг кўпайиши банкомат ва инфокиосклар сонининг ошишига олиб келмоқда.

«Капиталбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ва АТ Халқ банки инфокиоск ва банкоматлар сони бўйича 2022 йил 1 январь ҳолатига банклар рейтинггидаги етакчи учликни қайд этган. Рейтингда охирги бешлиқда АТ Халқ банки 10 погонага, Tenge bank 8 погонага, «Ипак Йўли» АИТБ, «Ориент Финанс» ХАТБ ва «Мадад Инвест Банк» АТБ банклари 7 погонага кескин қўтарилиш бўлган. Рейтингдаги ўрнини кескин йўқотган банклар АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» 10, «Асака» АТБ 5, «КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ ва «Hi-Tech Bank» ХАТБ

банклари 4 поғонага рейтингда пасайиши қузатилган.

Сўнгги беш йилликда бошқа банкларга нисбатан кўпроқ «Агробанк» АТБ 1.656 та, АТ Халқ банки 1.266 та, «Капиталбанк» 679 та, АТБ «Ипотека-банк» АТИБ 519 та ва «Ипак Йўли» АИТБ 434 та инфокиоск ва банкоматлар ҳарид қилган.

Банкоматлар фақатгина банкларга даромад келтиришдан ташқари аҳоли учун қулайлигини ҳам қайд этиш жоиз. Агар банкоматнинг даромадлилиги режалаштирилган суммадан кам ёки рентабеллиги кам бўлса, банкоматнинг жойлашган жойини бошқа аҳоли гавжум жойларга алмаштириш лозим.

Мобил иловалар аҳамияти ортганлиги ва инфокиоскларнинг вазифасини бугунги кунда мобил иловалар бажараётганлиги сабабли инфокиосклар рентабел бўлмай қолди. Бугунги кунда инфокиосклар ўртача ҳисобда 0,5-1,4 миллион сўм (интернет, қўриқлаш, жой ижараси, клиринг, техник хизматлар ва дастурий харажатларидан ташқари) даромад келтиради. Шунинг учун банклар томонидан инфокиосклар ҳарид қилинмаяпти ва босқичма-босқич муомаладан чиқарилмоқда. 2021 йил 1 январь ҳолатига 5.248 дона инфокиосклар муомалада бўлган бўлса, 2022 йилнинг шу даврига келиб 4.750 донани, яъни 498 донага камайган.

Фикримизча, банкларнинг мижозлари қўламини кенгайтириш ва уларга қулаги хизмат кўрсатиш муҳитини яратиш мақсадида мижозларга яқин бўлган жойлардан банк филиаллари ташкил этилиши жоиз. Лекин банк филиалларини очиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатларнинг қўплиги, ундан ташқари қўплаб филиалларнинг рентабеллиги паст эканлиги бугунги кунда банкларнинг филиаллар очиш йўли билан мижозлари сонини ошириш ёки хизмат кўрсатишда географик худудини кенгайтириш масофавий банк хизматлари имкониятларидан кенг фойдаланилмаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам банкларни трансформация қилишнинг бугунги кундаги аҳамияти, қолаверса «ANOR BANK» АЖ ва «TBC Bank» АТБ ларнинг илк рақамли банклар сифатида фаолият бошлиши бошқа тижорат банклар учун янгича рақоботни таклиф этди. Бу инновацион ёндашувга эга рақамли банклар хизматларни қулаги, арzon ва содда қилиш эвазига банк ҳаётини осонлаштируммоқда. Шу ўринда «ANOR BANK» АЖ ва «TBC Bank» АТБ банклари бир дона ҳам инфокиоск ва банкоматларга эга эмас.

Рақамли трансформация банкларда янги имкониятларни кенгайтириш қобилиятлари ва ташаббусларини тез суръатларга олиб келди. Бу рақамли даврда энг муҳим муваффақиятлардан бири бу ташкилий жихатдан эпчиликтир. Яъни биринчи трансформация бўлган, рақамлашган банк мижозларни жалб қилишда рақобат сезмайди. Рақамли ривожланиш стратегиясини барқарор олиб бориши ва кўп даромадга эришиши натижасида бозорга мослашувчанлиги ортади [3].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. Lex.uz

2. Мамадиев З.Т. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларидан фойдаланишга таъсир қилувчи омиллар таҳлили // «Иқтисодиёт ва таълим» илмий журнали. - Тошкент, 2019. - №1, январ-февраль. –71-77 б.
3. Мамадиев, З. (2021). Опыт развитых стран в организации дистанционного банковского обслуживания в условиях цифровой трансформации. Экономика и образование, (4), 51–59. извлечено от <http://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/133>
4. Montazemi, A.R., and H. Qahri-Saremi. 2015. Factors affecting adoption of online banking: A meta-analytic structural equation modeling study. *Information & Management* 52 (2): 210–226
5. World Bank. 2017. The Global Findex Database- Measuring Financial Inclusion and the Fintech Revolution”, available at:https://globalfindex.worldbank.org/sites/globalfindex/files/2018-04/2017%20Findex%20full%20report_0.pdf(accessed 21 March 2020).
6. Shah, M.H., Peikari, H.R., Yasin, N.M., 2014. The determinants of individuals' perceived security: evidence from Malaysia. *Int. J. Inf. Manag.* 34, 48–57.
7. Ashrafi, M., Ng, S., 2008. Enabling privacy-preserving e-payment processing. *Inst. For Infocomm. Res.* 4947, 596–603.
8. Schierz, P.G., Schilke, O., Wirtz, B.W., 2010. Understanding consumer acceptance of mobile payment services: an empirical analysis. *Electron. Commer. Res. Appl.* 9 (3), 209–216.
9. [http://bank.uz/publish/doc/text50589 tak li strashen chert kak ego malyu yut ili sobstvennye vpechatleniya ot internet-bankinga](http://bank.uz/publish/doc/text50589_tak_li_strashen_chert_kak_ego_malyu_yut ili sobstvennye_vpechatleniya_ot_internet-bankinga)
10. http://www.finance.uz/uz/top/cat/olaviy_budjet/zbekistonda-internet-banking-imkoniyatlari
11. <http://cbu.uz/uzc/statistics/paysistem>
12. <http://cbu.uz/uzc/platyezhnye-sistemy/56618/>

МУНДАРИЖА

Инновацион гоялар ва ишланмалар

Н.А.НАЗАРОВ. Ўрхун тошбитиклари эл бирлиги йўлидаги тарихий манба сифатида3

Иқтисод

Ш.Н.МУРАТОВА. Методологические аспекты обеспечения экономической безопасности внутреннего рынка в контексте устойчивого развития11

З.Р.СОДИКОВ. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциялашувининг асосий жиҳатлари17

З.Т.МАМАДИЯРОВ. Ўзбекистонда ракамли трансформация жараёнида банк хизматларини масофадан кўрсатиш амалиётининг таҳлили23

Н.А.ЮЛДАШЕВА. Саноат корхоналарини бошқаришда инновацион ривожланиш стратегиясини кўллашнинг концептуал асослари37

А.А.АБДУВОХИДОВ, Ҳ.Ш.ЭШҚУЛОВА. Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашишнинг устувор йўналишлари44

А.Т.МАМАЖОНОВ, З.М.САЛАХИДДИНОВА. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобининг назарий асослари59

А.О.БОЗОРОВ. Ўзбекистонда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва солиқлар орқали рағбатлантириш истиқболлари67

Г.С.МАМАДИЕВА. Ислом банклари фаолиятининг фундаментал асослари ва уларнинг амал қилиш тамойиллари77

А.Х.КОМИЛОВ. Курилиш корхоналарида таъминот жараёни логистика ҳаражатлари ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатлари85

Юридик

М.Х.БАРАТОВ, П.И.ОВУЛОВ. Янги Ўзбекистон шароитида давлатнинг фуқаролик хуқуки субъектлари тизимида тутган ўрни: воқелик ва истиқболлар96

Қ.У.УМИДУЛЛАЕВ. Давлат бошқаруви органларининг бош мақсади – фуқароларга сифатли давлат хизматлари кўрсатиш106

С.А.ГАФУРОВА. Консуллик ҳимоясида ҳуқуқни кўллаш амалиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари112

Ш.Т.ДЖУМАНОВ. Чорва моллари ўғирлаш жиноятларини тергов қилинча тинтуб тергов ҳаракатини ўтказиш хусусиятлари119

Д.М.ГОФУРОВА. Аёллар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг тарихий таҳлили125

Б.Ж.АБДУЛЛАЕВ. Иқтисодий судларда хуқукий таъсир чоралар қўллаш билан боғлиқ ишларни кўришнинг ўзига хос хусусиятлари133

Ж.Я.ИСЛАМОВ, А.С.ЮЛДАШЕВ. Инсон хукуqlари ҳимоясининг янги босқичи140

З.И.ШЕРБОЕВА. “Темур тузуклари”да инсон хукуqlари ва ижтимоий муҳофаза150